

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 195 (984), 2023 йил 23 сентябрь, шанба



ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 сентябрь куни аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш ва ҳаёт сифатини оширишга қаратилган кўплаб ижтимоий, ҳудудий дастурлар бажарилмоқда. Хусусан, сўнгги олти йилда ичимлик суви соҳасига давлат бюджетидан 14 триллион 500 миллиард сўм ёки олдинги даврга нисбатан 6 баравар кўп маблағ ажратилган. 31 минг километр ичимлик суви ва оқова тармоқлари ўтказилган, 1200 та сув иншоотида қурилиш-таъмирлаш бўлган. Бу ишлар натижасида мингта маҳалладаги 6,5 миллион аҳоли яшайдиган хонадонларга илк бор тоза ичимлик суви кириб борди.

Лекин ҳали 30 та туман ва 1 минг 400 та маҳаллада ичимлик суви таъминотини яхшилаш талаб этилади. Улар учун тоза сув манбасини топиш зарур.

Кўп ҳолларда сув беҳуда йўқотиляпти, истеъмолнинг аниқ ҳисоби йўқ. Айрим насослар, соҳа корхоналарига тегишли махсус техникалар эскирган.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда шу каби муаммолар муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

“Узсувтаъминот” акциядорлик жамиятига жорий йил якунигача 12 минг километр тармоқ ҳамда 1300 та сув иншоотини қуриш ва таъмирлаш вазифаси қўйилди. Бунинг ҳисобига 145 та маҳалладаги 1 миллион 100 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан баҳраманд бўлади, 2 мингта маҳалладаги таъминот яхшиланади.

Вилоят ҳокимларига халқ депутатлари билан бирга келгуси йил учун дастур ишлаб чиқиш, ҳукумат қарорига киритиш топширилди. Бунда сув таъминоти даражаси паст 30 та туманга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Қўшработ туманида ичимлик суви таъминотини яхшилаш, Бухоро ва Жиззах шаҳарларида оқова сув, Гулистон, Янгиер ва Ширин шаҳарларида канализация тизимларини реконструкция қилиш каби лойиҳаларнинг бажарилиши кўриб чиқилди.

Бухородаги ишлар харажати мақбуллаштирилгани бу борада намуна. Хусусан, Бухоро шаҳрида тозалаш ва оқова сув тизимини реконструкция қилиш бўйича 281 миллион долларлик лойиҳанинг 75 миллион доллари иқтисод қилинган. Бу маблағ эвазига яна 1150 километр сув ва 117 километр оқова тармоқларини қуриш мумкин.

Шу каби лойиҳаларнинг харажатларини мақбуллаштириш, иқтисод қилинган маблағларни ўша ҳудуддаги сув таъминоти ва оқова тизимини яхшилашга йўналтириш муҳимлиги айтилди.

Соҳа мутасаддилари ва вилоят ҳокимларига яна 24 та истиқболли лойиҳанинг техник-иқтисодий жиҳатлари юзасидан кўрсатмалар берилди.

Сув етказувчи насосларни энергия тежамкорига алмаштириш, соҳа корхоналарини молиявий барқарорлаштириш чоралари ҳам белгиланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

22 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президентини таваллуд куни билан самимий қутлаб, унга катта муваффақиятлар, қардош туркман халқига фаровонлик ва равнақ тилади. Икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Конструктив сиёсий мулоқот ва самарали идоралараро алоқалар ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Узаро савдо ҳажми ошиб бормоқда, “Хоразм — Тошқув” чегараолди савдо зонасини ташкил этиш лойиҳаси биргаликда амалга оширилмоқда. Энергетика ва транспорт соҳаларидаги кооперация мустақамланмоқда. Октябр ойида пойтахтимизда Туркменистон маданияти кунлари ўтказилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари Марказий Осиёда Узаро манфаатли ҳамкорликни, шу жумладан, амалдаги кўп томонлама форматлар доирасида кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Телефон мулоқоти якунида давлатимиз раҳбари Туркменистон Президенти ва халқини бўлажак Мустақиллик куни билан дилдан табриқлади.

ЎЗА



МУНОСАБАТ БМТ МИНБАРИДАН ЯНГРАГАН ГЛОБАЛ МУАММОЛАР ВА АНИҚ ЕЧИМЛАР

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида нутқ сўзлаб, терроризм ва диний экстремизмга қарши биргаликда курашиш масаласини кўтарди. Жаҳон жамоатчилиги диққатини ўта долзарб муаммолар ечимига қаратиб, бу борада аниқ таклифларни илгари сурди.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбари экстремизм балоси тарқалишига, ёшлар радикаллашувига йўл қўймайлик учун биргаликда ҳаракатлар олиб боришнинг асосий ташаббускорларидан бири бўлиб келяпти. Жумладан, Президентимиз ўз нутқида ўтган йили

март ойида Тошкентда БМТнинг терроризмга қарши глобал стратегиясини Марказий Осиёда амалга ошириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинганини таъкидлади.

Давоми 3-бетда

ХУДУДЛАРДА



Зарафшонга БИР КЕЛИНГ, ТАНИМАЙСИЗ!

Қизилқум саҳросининг ёши, тарихи фақат она табиятга аён. Бироқ мана шу кўхна саҳро бағридаги ёши ҳали бир асрга ҳам етмаган мўъжазгина Зарафшон шаҳри бугун кўрган кўзни қувнатувчи, меҳмонга келган замондошни ҳайратга солувчи ўзгаришлар, янгиликлар оғушида.

Зарафшон дастлаб қончилар маскани сифатида бунёд этилган бўлса, ҳозирда ҳам энгиз, ҳам буйига кенгайиб бораётган, замонавий инфраструктураси ривожланиб, буткул янги қиёфага кираётган кўркем шаҳарга айланган.

Айни пайтда Зарафшон шаҳрида жами 227 та кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши режалаштирилган.

Давоми 4-бетда

1 ОКТАБРЬ — Ўқитувчи ва Мураббийлар кунини СЕВГАНИ — БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ШУ БИЛАН МАЗМУНЛИ УМРИ, ҲАЁТИ

Орзусига етишиш йўлида барча машаққатларга бардош берган инсонларни учратсам, тўғриси, хавас қиламан. Уларга бошимни эгиб, таъзим қилгим келади. Тошкент амалий фанлар университети ўқитувчиси, филология фанлари доктори, доцент Хуршида Ҳамроқулова ҳам ана шундай инсонлардан.

— Наманган вилояти Норин тумани Тошлоқ қишлоғида туғилганман. Ота-онам узоқ йиллар Учкўрғон туманидаги сил касалликлари шифохонасида ишлаган. Сирдан қараганда, оиламизнинг адабиётга алоқаси йўқдай

қуринади... Катта фарзандман, синглим ва укам бор. Қишлоқ шароитида мактабдан кела солиб, Учкўрғон туманидаги уринардик, — дея хотирлайди болалик даврларини Хуршида опа.

Давоми 5-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚҲМОНДОНИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Сизларга яхши маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини улуғладиган, қонун ва адолат устувор бўлган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Бу жараёнда, айниқса, аҳоли тинчлиги ва осойишталиги, фуқароларимизнинг қонуний манфаатларини сўзсиз ҳимоя қилиш, “Хавфсиз ҳудуд”, “Хавфсиз маҳалла”, “Хавфсиз бозор” каби тамойилларга қатъий амал қилган ҳолда, янги Ўзбекистонда хавфсиз мамлакат муҳитини яратишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 28 июль куни Фарғона вилоятида ўтказилган йиғилишда қоритимизда жиноятчиликни жилловлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муаммоларни тизимли ҳал этиш, айниқса, “хуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикаси” услулари асосида кўча ва маҳаллаларда осойишта муҳитни яратиш бўйича барча масъул идора ва жамоатчилик вакилларининг фаолиятини самарали

йўлга қўйиб, бу борада туб ўзгариш ясаш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Миллий гвардияси органлари бошқа хуқуқ-тартибот идоралари билан биргаликда ушбу долзарб вазифаларни бажариш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда халқимизнинг хуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда аниқ режа асосида фаолият кўрсатмоқда. Бу жараёнда Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларидаги йирик бозорлар, истироҳат боғлари, хибонлар ва оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки ишончли қўриқлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қадрли ҳамюртлар! Миллий гвардия ўзининг кенг қиррали хизмат фаолиятини амалга оширишда, аввало, сиз азизларга, маҳалла фаолларига, эл-юрт тақдирини дахлдорлик ҳисси билан яшаётган барча фуқароларимизга таянади.

“Хавфсиз маҳалла — хавфсиз турмуш гарови” тамойили асосида маҳаллаларда жиноят-

ларнинг барвақт олдини олиш, уларни юзага келтираётган асл сабаб ва омилларни бартараф этиш, сизу бизнинг асосий вазифаларимиздан бири, деб ҳисоблаймиз. Нега деганда, буғунги кунда маҳаллалардаги вазиятни таҳлил қилар эканмиз, минг афсуски, хуқуқбузарликларни келтириб чиқараётган сабаблардан кўра, уларнинг оқибатларига қарши курашиш билан банд бўлиб қолаётганимиз аён бўлмоқда.

Маҳаллаларда ёшлар тарбиясига етарли даражада эътибор қаратилмагани туфайли вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноий ва носоғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш ҳолатлари кўпайгани ҳам салбий вазиятнинг кучайишига олиб келмоқда. Бунга барҳам бериш учун, аввало, маҳаллаларда жиноят содир этилишига имкон бераётган омилларни аниқлаб, уларни бартараф этишимиз зарур.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатма ва топшириқлари асосида Миллий гвардия бу борада ўзининг барча куч ва имкониятларини жалб этган ҳолда, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирларни аниқ белгилаб олди.

Давоми 2-бетда



ПАХТАЧИЛИК КЛАСТЕРИ: ҲАММА НАРСА ЎЗГАРДИ 2



ҲУНАР СЕҲРИ ЧОРЛАГАН ШАҲАР 6

Бошланиши 1-бетда

Биринчидан, бугунги кунда айрим бозорлар, истироҳат боғлари ва хиёбонлар техник ва хавфсизлик воситалари билан етарли даражада жиҳозланмагани, жамоат назорати масканлари мавжуд эмаслиги оқибатида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилмоқда ҳамда фавқулдда ҳолатлар юзага келмоқда.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети томонидан илмий ёндашган ҳолда яратилган **“Кўкон тажрибаси”** барча ҳудудлардаги бозорларда жорий этилади.

Вилоятлар марказларидаги йирик бозорлар, истироҳат боғлари ва хиёбонлар маъмурияти билан бирликда объектларнинг асосий кириш жойларига шахсни юзидан таниб оладиган видеокамералар ўрнатиш чоралари кўрилади.

Жамоат тартибини сақлаш, ёнгин ва бошқа фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадида қўшимча видеокузатув камералари ўрнатилади ва **Ягона мониторинг марказига** интеграция қилинади.

Бозорлар, истироҳат боғлари ва хиёбонлардаги савдо объектлари индивидуал қўриқлаш бўйича сигнализация воситалари ҳамда улар жойлашган ҳудудлар **“Ташвиш”** тугмалари билан босқичма-босқич жиҳозланади. Ушбу объектларга қарашли майдонлар ва уларнинг ён-атрофида тушунтириш, тарғибот ишлари ҳамда фуқароларни огоҳликка чақиритишга қаратилган чора-тадбирлар кучайтирилади.

Бир сўз билан айтганда, биз бу ишларимизни тубдан қайта қўриб чиққан ҳолда, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур чораларни кўраимиз. Натижада **“Хавфсиз бозор”**, **“Хавфсиз дам олиш маскани”** концепцияларининг ҳаётга татбиқ этилишига эришамиз.

Иккинчидан, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бў-

йича янги тизим ва амалиёт жорий этилиб, мулкий ва жамоат тартибига қарши қаратилган жиноятлар содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган объектларда доимий кузатув йўлга қўйилади.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан бинолар ёки уларга кириш йўлакларига ўрнатилган видеокузатув мосламаларини ўзида бирлаштирадиган **“E-Namkor”** дастури татбиқ этилиб, ушбу дастур ички ишлар органларининг ҳудудий ситуацион марказларига интеграция қилинади.

“Қизил” тоифали маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлашга илмий нуқтаи назардан ёндашиш ва бу йўналишдаги ишларни мақсадли ташкил этиш учун Миллий гвардиянинг вилоят бошқармаларида Жамоат хавфсизлиги университетининг амалий лабораториялари ташкил этилади.

Бунда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига замин яратадиган омилларни

аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган иш усуллари ишлаб чиқилади ва амалиётга татбиқ этиб боради.

Амалий лаборатория ходимлари маҳаллаларда иш олиб бораётган шахсий таркибнинг маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича билим ва кўникмаларини шакллантиради, маҳаллалардаги “еттилик” билан ҳамкорликда **“Тинч ва аҳил оила”**, **“Жиноятдан холи маҳалла”** ва **“Рақамли маҳалла”** илмий-амалий лойиҳалари доирасида фаолият кўрсатади.

Жиноятларнинг олдини олиш борасида маҳаллалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича **“Фуқаролар билан ишлаш модули”** асосида узлуксиз ўқитиш тизими ташкил этилади.

Учинчидан, мактабларимизда хавфсиз муҳит яратишга, ўқувчиларга нисбатан жисмоний хавф-хатарларни тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида шахар-туман марказларидаги барча таълим муассас-

Бозорлар, истироҳат боғлари ва хиёбонлардаги савдо объектлари индивидуал қўриқлаш бўйича сигнализация воситалари ҳамда улар жойлашган ҳудудлар “Ташвиш” тугмалари билан босқичма-босқич жиҳозланади. Ушбу объектларга қарашли майдонлар ва уларнинг ён-атрофида тушунтириш, тарғибот ишлари ҳамда фуқароларни огоҳликка чақиритишга қаратилган чора-тадбирлар кучайтирилади.

“Кўпни кўрган, олижаноб халқимизнинг “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она” деган ибратли нақлига амал қилиб, биринчи навбатда, ўз жигарбандларимиз, қолаверса, қўни-қўшниларимиз, ёру биродарларимиз фарзандларига, маҳалламиз болаларининг юриш-туриши, таълим-тарбиясига эътиборли бўлайлик! Шу азиз Ватан — янги Ўзбекистон барчамизники. Жонажон юртимиздаги тинч ва осойишта, фаровон ҳаётни кўз қорачигидек асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

саларига “Ташвиш” тугмалари ва видеокузатув мосламалари ўрнатилди ҳамда Миллий гвардия қўриқловига олинди.

Келгусида ҳам таълим муассасаларининг қўриқлов тизимини такомиллаштириш борасида **“Хавфсиз таълим”** концепцияси жорий этилиб, бу соҳада кенг қўламли ишларни давом эттирамиз.

Тўртинчидан, фуқароларнинг яшаш жойидаги мол-мулкни ишончли қўриқлаш, уларни ноқонуний эгаллаш ҳолатларининг барвақт олдини олиш ва ўз вақтида чек қўйишни олдимидаги асосий мақсадлардан бирига айлантирамиз! Ишонтириб айтаманки, бу борада Миллий гвардияда барча зарур замонавий техник қўриқлаш воситалари, дастурлари ва усқуналари мавжуд бўлиб, фуқа-

роларимизнинг мол-мулкни кафолатли қўриқлов тизими қамрови кенгайтирилади.

Шу боис, аҳолимизга ўз уйларида техник қўриқлов тизимларини ҳамда “Ташвиш” тугмаларини ўрнатишни тавсия этаман, узоқ йиллар давомида ҳалол меҳнати билан тўплаган мол-мулки ва моддий бойлиқларини сақлашга бепарво бўлмаслиги ҳамда ўзгалар томонидан таъвоуз қилинишига шароит яратиб қўймасликларини сўраб қоламан.

Хурматли ватандошлар!

Барчамиз ҳаёт тажрибамиздан яхши биламиз, бу дунёда ҳеч ким жиноятчи ёки ҳуқуқбузар бўлиб туғилмайди. Айрим инсонларнинг ана шундай хатога йўл қўйишига уларнинг атрофидаги муҳит, муайян шароит сабаб бўлади.

Шундай экан, азизлар, келинг, ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб, авваламбор, ана шундай салбий муҳитни, жиноятчиликка сабаб бўлаётган шароитларни бартараф этайлик!

Униб-усиб келаётган фарзанд ва набираларимизнинг бугуни ва келажак тақдири учун масъулият ва жавобгарлигимизни бир неча бор ошириб, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб, уларнинг бахти ва қамоли учун оила, маҳалла ва жамиятда соғлом муҳит барқарор бўлишига эришайлик!

Кўпни кўрган, олижаноб халқимизнинг **“Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она”** деган ибратли нақлига амал қилиб, биринчи навбатда, ўз жигарбандларимиз, қолаверса, қўни-қўшниларимиз, ёру биродарларимиз фарзандларига, маҳалламиз болаларининг юриш-туриши, таълим-тарбиясига эътиборли бўлайлик!

Шу азиз Ватан — янги Ўзбекистон барчамизники. Жонажон юртимиздаги тинч ва осойишта, фаровон ҳаётни кўз қорачигидек асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

Ҳеч қачон унутмайлик, эркин ва фаровон ҳаётимизнинг энг муҳим шарти бўлган ана шундай долзарб вазибаларни ўзимиз бажармасак, ҳеч ким четдан келиб, биз учун қилиб бермайди.

Шундай экан, барчамиз, аввало, ўзимизнинг ҳуқуқий онг ва маданиятимизни, ота-боболаримиз анъаналарига садоқатимизни намоён этайлик, қонун ва қоидаларга қатъий амал қилиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасиз бўлиб, уларга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга яқиндан ёрдам берайлик!


Кўп миллатли халқимиз, келажакимиз эгалари бўлган азиз фарзанд ва набираларимиз бахтли ва фаровон ҳаётининг асосий кафолати ҳам айнан шундадир.

Рустам Жўраев,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси
қўмондони

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ПАХТАЧИЛИК КЛАСТЕРИ: ҲАММА НАРСА ЎЗГАРДИ

Данғара туманидаги **“Musavartex” МЧЖ** шаклидаги пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилганидан буён ҳар гектар ердан олинаётган пахта ҳосилдорлиги 10-12 центнерга ошди. Бу бежиз эмас.



Ўтган йиллар давомида юзлаб замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилинди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бўш майдонда ойлик қуввати 1,5 минг тонна бўлган пахта тозалаш заводи қуриб битказилди. Йиллик қуввати 7 минг 560 тонна калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган йиғирув цехи ишга туширилди. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми Россия, Хитой, Туркияга экспорт қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожига илм-фан, инновацион лойиҳаларнинг ўрни нечоғлиқ муҳимлигини ҳисобга олиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, истиқболли янги навлар яратиш, серхосил экинларни маҳаллий иқлим шароитига мослаштириш, кўп тармоқли лаборатория ҳамда илмий марказлар ташкил этишга эътибор ошди. Натижада кластер ва фермер хўжалиқлари иш фаолияти уйғунлашди. Деҳқонлар манфаатини ҳимоялаш орқали пахта етиштириш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

Дастлабки йилларда 6 минг 190 гектар майдондан ўртача 27-28 центнердан пахта териб олинган бўлса, ўтган йили ҳосилдорлик салмоғи 36,5 центнерни ташкил қилди. Бугунги ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда 40 центнердан ошади.

Деҳқончилик осон эмас, албатта. Эрта кўкламдаги об-ҳаво инжиқликлари, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, ҳароратли кунлардаги сув танқислиги, ҳашарот муаммоси деҳқончилик учун ташвишли палла ҳисобланади. Деҳқон меҳнатига яраша даромад кўришни истади. Манфаатдорлик бўлмаса, ҳафсаласи пир бўлади. Пахтачиликда кластер тизими йўлга қўйилган, бу борадаги қўллаб-қувватлашга ечим топилди. Бугунги фермер кечакдан тубдан фарқ қилади. Унинг ўзига яраша ҳисоб-китоби, мақсад ва режалари бор.

— 2006 йилдан буён фермерлик қилиб келаман, — дейди Данғара туманидаги **“Файратжон — Гёёсон фаизи”** кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Файратжон Эргашев. — Кластер

тизимининг жорий қилиниши бизга жуда маъқул бўляпти. Илгари техника, минерал ўғит, ёқилғи, сув масаласини ҳал этиш анча овозгарчиликларга сабаб бўларди. Таъминот йўқ, даладаги ишимиз қолиб, шу муаммоларни бартараф этиш билан банд бўлардик. Ҳосил етиштиришда харажат ошиб кетгани боис, йилни зарар билан якунлардик. Олдин бир мисол. Териб олинган ҳосилни сотиш учун 35 километрдан ортиқ йўл босиб, қўшни Бешарик туманидаги пахта тозалаш заводида олиб боришга мажбур эдик. Эндиликда ҳамма нарса муҳайё, фақат ишлаш керак. Ўтган йили пахтачиликнинг ўзидан 300 миллион сўм соф фойда олдик. Бу йил ҳосил салмоғи янада юқори бўлди. Биринчи теримда ҳар гектар ердан 45 центнердан



“Пахта-тўқимачилик кластери фаолиятининг йўлга қўйилиши деҳқонлар манфаатдорлигини оширди, сифатли хомашё етиштириш, ҳосилни чуқур қайта ишлаш, қўшимча саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини кенгайтириш, қишлоққа саноатни олиб киришда кўл келаётгани билан эътиборни тортади.



қанча кўп ва сифати юқори бўлса, манфаатдорлик ҳам ошади. Энг муҳими, дунё бозорига хомашё эмас, тайёр маҳсулот етказиб бериш.

— Бу йўналишда янги истиқболли лойиҳаларни амалга оширяпмиз, — дейди пахта-тўқимачилик кластери раҳбари Фарҳоджон Бўлатов. — Бугунги кунга қадар пахтани қайта ишлаш, ип йиғирув тармоқлари қурилиши ҳисобида 1500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Айни кунда момиқ сочқ ишлаб чиқариш бўйича йиллик қуввати 1620 тоннага тенг лойиҳани ишга туширишга ҳозирлик кўряпмиз. Бунинг ҳисобида 300 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Умумий қуввати минг бош бўлган чорвачилик тармоғи ташкил қилдик. Шунингдек, пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқариш йўналишида истиқболли лойиҳаларни амалга оширамиз. Натижада хомашё етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш йўналишида мустаҳкам занжир яратилади.

Кластер тумандаги пахтачиликка ихтисослашган 196 та фермер хўжалиги билан шартнома асосида иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, сув етиб бориши қийин бўлган, қаровсиз, фой-

даланишдан чиқиб кетган 200 гектар ерни қайта ўзлаштириш орқали пахта етиштириляпти.

— Асосий эътиборни мўл ва сифатли маҳсулот етиштиришга қаратганмиз, — дейди ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Исролжон Тўлқинов. — Ўтган йили эҳтиёжимиз учун керакли бўлган уруғни бошқа қорхоналардан сотиб олганмиз. Албатта, бу маҳсулот таннархига таъсир ўтказди. Бу йилдан бошлаб уни ўзимиз етиштиришни йўлга қўйдик. Натижада хомашё таннархи бирмунча пасайди, сифати ошди. Шу мақсадда уруғчиликка ихтисослашган 14 та фермер хўжалиғи билан иш олиб борапмиз. Экин майдонларини сифатли шудгорлаш, экишга тайёрлаш муҳим жараён. Бунинг учун ер текисловчи лазер, юқори унумли ҳайдов, чопиқ тракторлари олиб келинди. Чигит экишда фосфор, калий ва азотли ўғитлар билан экишга эътибор қаратганмиз. Булар уруғнинг бир текис униб чиқишига ёрдам бериб, касалликларга чидамиллигини оширади. Бундан ташқари, ҳар бир ҳудуд иқлим ва ер шароитига мос бўлган гўза навларини танлаб экишга эътибор берапмиз. Сув бериш, экинлар тагини юмшатиш тадбирлари вақтида амалга оширилди. Бунинг ҳисобида ҳосилдорлик миқдори сезиларли ошди, сифати яхшиланди.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, пахтачиликда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда яхши самара бераётгани билан аҳамиятли. Жорий мавсумда 400 гектар пахта майдонида томчилатиб сугориш тизими йўлга қўйилди. Бу вақт ва харажатлар миқдорини тежаш билан бирга, ҳосилдорлиқни 10-15 центнерга ошириш имкониятини бермоқда. Пахтачилик кластери бу йўналишда иш олиб бормоқчи бўлган ташаббускор фермерларни қўллаб-қувватлаб, имтиёзли банк сармоялари ажратилишида кафили бўлмоқда.

Сирасини айтганда, пахта-тўқимачилик кластери фаолиятининг йўлга қўйилиши деҳқонлар манфаатдорлигини оширди, сифатли хомашё етиштириш, ҳосилни чуқур қайта ишлаш, қўшимча саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини кенгайтириш, қишлоққа саноатни олиб киришда кўл келаётгани билан эътиборни тортади.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

МУНОСАБАТ

СЕРҒАЙРАТ ФАОЛИЯТ ТАҚДИМ ЭТГАН ИЛҲОМБАХШ НАТИЖАЛАР

Давлатимиз раҳбарининг АҚШга ташрифи гоят сермахсул бўлди. Нуфузли мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар, бизнес оламининг етакчилари билан ўтказилган учрашув ва музокаралар, БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясидаги нутқ ҳали тарих саҳифаларида кўп эсга олинади, таҳлил қилинади.



Одилжон ТОЖИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Ўзбекистоннинг серғайрат Президенти хорижга ташрифлари пайтида ҳам тинимсиз ишлагани мамлакатимиз ташқарисида ҳам "қўниқилди". Ўтказилган тадбирларнинг интенсивлиги, уларда муҳофизат қилинган масалалар қўли ва ҳажми ташриф тафсилотларини қузатиб турганларга ўзига хос ҳайрат ва илҳом бағишлади.

Кун тартибидоғи биргина учрашув — Марказий Осиё ва АҚШ саммитининг ўзида қанча янгилик! Аввало, одат тусига қираётган бешта қўшни мамлакат Президентларининг глобал муқофаси

Дунё сийосатининг юксак минбаридан туриб, халқаро даражадаги стратег сийосатчи сифатида Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё ёшлари ҳақида амалий ташаббусларни илгари сургани ҳам кенг эътироф этилмоқда. Мазкур соҳада ҳамкорликни кучайтириш мақсадида яқинда минтақамиз давлатлари томонидан имзоланган Ёшлар сийосатининг умумий йўналишлари ҳақидаги битим Шавкат Мирзиёев тақлифи билан амалга ошди.

ҳамжиҳат бўлиб жаҳоннинг етакчи давлатлари билан муштарак позициялардан мулоқот қилиши минтақа сийосий-дипломатик тарихида, албатта, мутлоқ янги саҳифа, улкан муваффақият. Ўзбекистон раҳбарининг минтақада бундай муҳит шаклланишидаги бекиёс роли, мана, жаҳон матбуоти ва экспертлари томонидан эътироф этилмоқда.

Энг муҳими, Нью-Йоркдаги ўша учрашув ва умуман, ташриф давомидаги бошқа тадбирлар Шавкат Мирзиёевнинг жаҳон миқёсидаги дипломат маъқеини қўлга киритганидан далолат берди.

Бунинг яна бир қўриқини ўлароқ Ўзбекистон раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясидаги тарихий нутқини олайлик. Унда ўз аксини толган глобал муаммоларга ечим бўладиган тақлифлар нимаси билан ўзига хос бўлди? Аввало, ўша минбардан янграган асар чиқарилганда солиштирилганда, амалийлиги билан ажралиб турди. Яъни жаҳон тақлилотининг бош саҳнасида учраб турадиган популистик гоғлар, реал ҳаётдан йироқ фалсафий ёндашувлар, татбиқ қилиниши амримахол фикрлар фондида мамлакатимиз етакчисининг ташаббусларида ўзига ва халқимизга хос бўлган вазирилик, теран тафаккур, бағрикенглик, бошқа давлатлар тақдирига ҳам улкан масъулият каби фазилатлар намоён бўлди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда ўзаро ишонч, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик муҳити архитектури сифатида ўз нутқида халқаро ҳамжамиятнинг қўллови билан минтақамиз бирдамлик йўлидан боришда давом этишига ишонч билдирди. Уни тинч ва гуллаб-яшнаётган ҳудудга айлантириш мамлакатимиз ташқи сийосатида бундан буён ҳам устувор мақсад бўлиб қолиши таъкидланди.

Дунё сийосатининг юксак минбаридан туриб, халқаро даражадаги стратег сийосатчи сифатида Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё ёшлари ҳақида амалий ташаббусларни илгари сургани ҳам кенг эътироф этилмоқда. Мазкур соҳада ҳамкорликни кучайтириш мақсадида яқинда минтақамиз давлатлари томонидан имзоланган Ёшлар сийосатининг умумий йўналишлари ҳақидаги битим Шавкат Мирзиёев тақлифи билан амалга ошди.

Ишончимиз комилки, Марказий Осиё бундан буён ҳам яхши қўшничилик, барқарор тараққиёт ва минтақалараро транспорт коммуникациялари марказига айланишида бекиёс ўрин тутган янги ташаббуслар бу қўлтуғ замин ривожига

яна бир муҳим ҳисса ва кучли туртки бўлиб хизмат қилади.

Президентимизнинг Нью-Йоркдаги тадбирлари, қисқа қилиб айтганда, жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистоннинг янги қиёфаси ва сийосати берилган юқори баҳо унинг етакчисига хайрихоҳлик, эътироф ва юксак ишончдан нишон бўлди.



БМТ МИНБАРИДАН ЯНГРАГАН ГЛОБАЛ МУАММОЛАР ВА АНИҚ ЕЧИМЛАР

Шоазим МИНОВАРОВ, Ўзбекистондаги Ислום цивилизацияси маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Миллий стратегиясида экстремизм ва терроризмга қарши курашиш алоҳида эътибор қилинадиган масала ҳисобланади. Бизда илгари экстремизм гоғлари таъсирида бўлган шахсларни соғлом ҳаётга қайтариш ва жамиятга мослаштириш сийосати изчил олиб борилмоқда. "Биз бу борада ўзига хос тажриба орттирдик. — деди Шавкат Мирзиёев, — беш марта "Меҳр" инсонпарварлик миссиясини ўтказдик. Унинг доирасида 530 нафардан зиёд фуқаролар, аввало, аёллар ва болаларни Яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуролли низолар ҳудудларидан юртимизга қайтардик. Уларнинг барчасига тиббий, психологик, ижтимоий ва бошқа ёрдамлар кўрсатилди. Халқаро жамоатчилик жорий йилнинг июнь ойида мана шу ерда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош қароргоҳида мамлакатимизга олиб келинган ва янги ҳаёт бошлаган шахсларнинг тарихини уларнинг ўзларидан эшитдик".

Давлатимиз раҳбари бу йўналишдаги ҳаракатларни давом эттириш ва доимий тажриба алмашишни йўлга қўйиш учун БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси шафелигида уруш ҳудудларидан қайтганлар билан тизимли ишлаш бўйича Минтақавий экспертлар кенгаши тузиш зарурлигини таъкидлар экан, бу борада амалий қадамлар ташланганини қайд этди: "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзо давлатлар халқаро терроризм каби умумий таҳдидларга қарши курашда янада бирлашиб, ҳаракат қилишлари керак".

Ислום Арабистон ярим оролида юзга келган бўлса ҳам, буюқ аждодларимиз муқаддас динимиз равнақига улкан ҳисса қўшган. Утган асрларда ҳам халқаро миқёсидаги ислוםий муаммолар халқимиз вакиллари иштирокида ҳал этиб келинган. Қуръони каримдан кейинги муқаддас манба ҳисобланмиш "Саҳиҳи Бухорий" тўпламини тилга олишнинг ўзиёқ фикримизга ёрқин далил бўла олади.

Шунинг учун кейинги йилларда ислום дини билан боғлиқ глобал масалалар ечимида Ўзбекистон ўз овозига эга бўлиб бораётгани ҳеч ҳам тасодифий эмас. Президентимиз фақат юртимиз, ё Марказий Осиё минтақаси эмас, балки бутун жаҳон миқёсида кечаётган жараёнларга нисбатан Ўзбекистон позициясини билдирди: "Сўнги пайтларда айрим мамлакатларда қўзғалтқинчиликнинг диний тоқатсизлик, ислוםфобия ҳолатларига асло йўл қўйиб бўлмайдиган, деб ҳисоблаймиз". Шундан келиб чиққан ҳолда, муаммонинг ечими сифатида аниқ тақлиф ҳам ўртага ташланди: "Жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик гоғларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбеки-



тонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этишни тақлиф қилди.

Бизнингча, Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро маркази дунё

Жаҳонда одамларнинг онг ва қалбини эгаллаш учун жуда тезлик билан кечаётган курашда энгилмаслик учун биз уларга миллий маънавиятимиз ва миллий мафкураимизни қарши қўйишимиз, фуқаролар, хусусан, ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз керак. Бу борада бизга яқинда имзоланган, жами 100 мақсаддан иборат "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ҳамда Президентимизнинг БМТ минбаридан сўзлаган нутқи дастуруламал бўлади, албатта.

ҳамжамияти олдидан турган ўта жиддий муаммони, яъни миллий ва диний толерантликни сақлаш масалаларини ҳал этишда ижтимоий институт вазирасини бажаради.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, диёримиз жаҳон илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган, ислוםни илм-маърифат ва тинчлик дини сифатида намоён этган

“Хозирда бутун маърифатли дунёни ҳайратта солиб келаётган бу бой илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинггина эмас, балки бутун башариятнинг маънавий мулки сифатида хизмат қилиб келмоқда. Чунки бу аллома ва мутафаккирлар ҳамиша илм-фан равнақи йўлидаги масъулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда, инсонпарварлик, тинчлик ва маърифат гоғларига содиқ қолиб, буни ўзларининг башарият олдидати инсоний бурч ва вазифалари деб билган.

даги "Темурийлар Ренессанси", ундан кейинги замонларда аждодларимизнинг илм-фан, адабиёт, санъат, маданият соҳаларида қолдирган мислсиз мероси бунга яққол далил бўлади.

Жумладан, IX-XI асрларда Хоразмда ташкил этилган Маъруф академияси ва "Байт ул-ҳикма", яъни "Донишмандлик уйи" деган ном билан шуврат қозонган Бағдод академиясида, XV асрда Самарқандда шаклланиган Мирзо Улуғбек илмий мактабида самарали меҳнат қилган олимлар, ўтмишда юртимизда ислום динининг мазмун-моҳиятини чуқур тадқиқ ва тарғиб этиш бўйича бетақдор асарлар яратган уламопаримиз бутун дунёда дов тарафган. Айнан ўрта асрларнинг илк давридаги буюқ илмий гоғ ва кашфиётлар натижасида математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ фанлар билан бирга, тарих, география, фалсафа, маданият, санъат, архитектура соҳаларида аждодларимиз томонидан амалга оширилган ишлар нафақат Шарқ, балки бутун жаҳон илм-фани ва цивилизациясига улкан таъсир кўрсатди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хозирда бутун маърифатли дунёни ҳайратта солиб келаётган бу бой илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинггина эмас, балки бутун башариятнинг маънавий мулки сифатида хизмат қилиб келмоқда. Чунки бу аллома ва мутафаккирлар ҳамиша илм-фан равнақи йўлидаги масъулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда, инсонпарварлик, тинчлик ва маърифат гоғларига содиқ қолиб, буни ўзларининг башарият олдидати инсоний бурч ва вазифалари деб билган.

Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ушбу бебаҳо бойлик бундан буён ҳам янги-янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, бўлажак кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги кунда мамлакатимиз китоб фондларида сақланаётган 100 мингдан зиёд кўлемга асарларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг маданий мерос рўйхатига киритилган. Юртимиздан етишиб чиққан буюқ аллома ва мутафаккирлар ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур ўйотиш, улар билан аҳолимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, халқаро миқёсида динлараро ва цивилизациялараро мулоқоти йўлга қўйиш, инсон қалби ва онгини эгаллаш учун турли ҳавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда ислום динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодди гуманитарлик гоғлар, миллий гурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш жамиятимиз олдидати долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳонда одамларнинг онг ва қалбини эгаллаш учун жуда тезлик билан кечаётган курашда энгилмаслик учун биз уларга миллий маънавиятимиз ва миллий мафкураимизни қарши қўйишимиз, фуқаролар, хусусан, ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз керак.

Бу борада бизга яқинда имзоланган, жами 100 мақсаддан иборат "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ҳамда Президентимизнинг БМТ минбаридан сўзлаган нутқи дастуруламал бўлади, албатта.

ОЛАМ — БИР БУТУН У БИРДАМЛИК, ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҲАМКОРЛИК БИЛАН ЁРҚИНДИР

Собитхон ТУРҒУНОВ, педагогика фанлари доктори, профессор

Жорий йил 19 сентябрь санаси дунё давлатлари тарихида ўчмас из қолдириши шубҳасиз. Жумладан, янги Ўзбекистоннинг ҳам. Худди шу кун АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 78-сессиясининг умумсий мунозаралари бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Нуфузли анжуманда давлатимиз раҳбарининг давлат тили — ўзбек тилида нутқ сўзлаши қалбимизда ўзгача ғурури-ифтихор туйғуларини қайта ўйғотди. Гуёки она тилимиз қадри, жозибаси, даражаси яна бир бор осмон қадар юксалди.

Қолаверса, бу самимий ва мухтасар нутқ янги Ўзбекистоннинг ўтган қисқа, бироқ залворли йўли, бугунги қиёфаси, халқимиз яшаш тарзи, келажак орзулари ва унга ҳамоҳанг давлат сийосатининг туб мақсад ва моҳиятини ўзида яққол акс эттирди.

Президентимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислотларга алоҳида тўхталиб, глобал ва минтақавий кун тартибидоғи энг долзарб масалалар ечимига қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди ва: "Биз ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлишимиз янги Ўзбекистоннинг барпо этиш сийосатини қатъий давом эттирмоқдамиз. Мамлакатимиз "Инсон қадри ва манфаатлари учун" деган эзгу гоғ асосида демократия ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга қара-

тилган туб ислотлар йўлидан дадил илгари бормоқда", деди.

Халқимиз ўз эртасини, орзу-мақсадларини фарзандлар тақдирини билан боғлайди ва бу биз учун азалий қадрият. Аслида ҳам ёшлар, уларнинг таълим олиши, соғлом улғайиши, жамиятга ўз ўрнини топишига эътибор берган миллат энг тўғри йўлдан бораётган давлат эгаларидир.

Шу маънода, нутқда инсон капиталини ривожлантириш ва креатив ёш авлодни тарбиялаш — Ўзбекистон ўз олдига қўйган стратегик вазифалардан бири экани эътироф этилдики, бу фикрлар мамлакатимизда ўтган олти йилда мактабга таълимдаги қамров 21 фоиздан 78 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 30 фоизга етгани, 2030 йилга қадар ҳар бир боланинг боғчага қатнаши, мактабни битираётган ҳар икки ўқувчининг бири эса олийгоҳда ўқиши учун имконият яратилиши билан изоҳланади.

Ўз навбатида, аҳолисининг деярли ярми ёш авлод вакиллари бўлган Марказий Осиё учун ёшлар ва уларнинг са-



лоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи, айниқса, долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан минтақамиз давлатлари томонидан Ёшлар сийосатининг умумий йўналишлари ҳақидаги битим имзоланди. Бу соҳада БМТ ва унинг ихтисослашган тузилмалари билан самарали ҳамкорлик ўрнатилмақда Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга қўмақлашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш ва унинг доирасида "Марказий Осиё ёшларининг кун тартиби — 2030" дастурини ишлаб чиқиш тақлиф этилди.

Гувоҳи бўлиб турибмики, юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатдорлигини

ҳар томонлама муҳофиза қилинади. Бу эса нутқда айтиб ўтилганидек, миллий сийосатимиз асосини ташкил этади. Биргина олий таълим ва касб-хунар тизимида хотин-қизлар учун яратиб берилган имкониятларни олайлик. Эҳтиётиманд оилалардаги хотин-қизларга олий таълим муассасаларига киришда давлат гранти асосидаги қабул доирасидаги танловда иштирок этиш учун тавсиянома берилди. Хотин-қизларнинг касб ўрганиш ҳаражатлари ҳам давлат томонидан тўланади. Бунда хотин-қизлар нодавлат таълим ташкилотларида касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқиш ҳаражатларининг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1 миллион сўмдан ортққ бўлмаган ҳаражатлар давлат томонидан қопланади.

Қолаверса, магистратурада ўқиётган хотин-қизларнинг контракт тўловлари давлат томонидан қоплаб берилиш тартиби белгиланган.

Бундан ташқари, ҳукумат қарори билан ҳар бир ҳудуддан ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз 100 нафар аёлнинг тўлов-контракти ҳоқимликлар томонидан ҳар йили тўлаб берилди. Қўриқиб турибдики, юртимизда хотин-қизларнинг илмий, маърифатли, касб-хунарли бўлиши учун жиддий қадамлар ташланмоқда. Зотан, аёл маърифатли бўлса, оила мустаҳкам бўлади, зиёли оналар маънавияти юксак фарзандларни тарбиялай олади.

Нутқда гендер тенгликка эришиш борасида ҳам мамлакатимизда тизимли ишлар олиб борилаётгани, ўтган йили олигоҳларга қабул қилинган талабаларнинг 49 фоизини қизлар ташкил этгани, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши эса биринчи марта 35 фоизга етгани, аёллар ва воға етмаганларни зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида алоҳида қонун қабул қилингани таъкидлаб ўтилди.

Президентимиз Ўзбекистон "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — Хотин-қизлар" тузилмаси билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлигини

қайд этиб, биргаликдаги ташаббус сифатида аёлларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларини муҳофиза қилиш ва тажриба алмашиш учун келгуси йили Ўзбекистонда Осиё хотин-қизлари форумини ўтказишни тақлиф қилди.

Эътиборли жиҳати, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган сийосат туфайли мамлакатимизда 2017 йилдан буён камбағаллик икки баробарга камайди. 2030 йилгача уни 7 фоизга тушириш режа қилинган.

"Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби томонидан илгари сурилган "Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя глобал акселератори" борасидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз. Мазкур ташаббус доирасида тажриба алмашиш учун 2024 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида "Ижтимоий ҳимоя: барқарор тараққиёт сари йўл" бутунжаҳон конференциясини юртимизда ўтказишни тақлиф этаман", деди Ўзбекистон етакчиси бу борада ўз фикрини баён этар экан.

Нутқда, шунингдек, хозирги вақтда дунёда кескин экологик вазият кузатилиб, сайёрамиз миқёсида учта инқироз, яъни иқлим ўзгариши, биохимия-хиллик йўқолиши ва атропо-муҳит ифлосланиши кучайиб бораётгани қайд этилиб, Марказий Осиё иқлим ўзгаришлари олдидан энг заиф минтақалардан бирига айланаётгани таъкидланди. Ўзбекистон томонидан Орол фожияси оқибатларини бартараф этиш йўлида қўрилаётган чоралар, минтақамиздаги иқлим ўзгаришининг салбий таъсири ва сув билан таъминланганлик даражаси камайиш тенденциялари туғрисидаги маълумотлар келтирилди.

Глобал муаммо бўлган Орол фожияси оқибатларини бартараф этиш йўлида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилмоқда. Сўнги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектар майдонда қурғоқчиликка чидамли ўсимликлардан иборат яшил

ҳудудлар барпо этилган, бу саъй-ҳаракатларни давом эттириш учун халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши жуда муҳимлиги қайд этилди.

Бу вазиятдан келиб чиққан ҳолда, БМТ Бош қотибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозимини таъсис этилиши, Марказий Осиё сувни тежайдиган технологиялар платформаси яратилиши ва минтақамизда қабул қилинган Яшил тараққиёт дастури доирасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилиши қўллаб-қувватланди.

"Бу борада "Марказий Осиё иқлим мулоқоти"ни жорий этишни мақсадада мувофиқ, деб ҳисоблаймиз", деди Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг "Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршичида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик" резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди. Унинг асосий мазмунини келгуси йил Самарқандда бўлиб ўтадиган халқаро иқлим форумида муҳофиза қилишни тақлиф этаман", деди Президентимиз ва Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, улперод нейтраллигига эришиш ва "яшил" энергетика улушини кескин ошириш стратегик вазифа бўлиб қолишини ҳам таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқи нихоҳида "Мустаҳкам тинчлик ва фаровонликка фақат умумий интилишлар ва биргаликдаги ҳаракатлар билан эришиш мумкин. Бизга ўзаро ишонч, бирдамлик ва ҳамкорлик руҳи ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур", деган фикрларни баён этди.

Чиндан ҳам, бир оз мушоҳада юритсак, олам — бир бутун. Унда ҳаёт кечираётган халқлар ўртасида бирдамлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик бўлмас экан, бу бутунликка пултур этиши мумкин. Инсониятни таназзулга олиб борадиган глобал муаммоларга қарши биргаликда курашилмас, халқлар ва элларга эзгулик йўлида бирлашмас экан, келажакни ёрқин тасаввур этиб бўлмайдими.



ХУДУДЛАРДА

Зарафшонга БИР КЕЛИНГ, ТАНИМАЙСИЗ!



**Голиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Бошланиши 1-бетда

— Бир йил давомида 29 та кўп қаватли уй қуриб битказилди ва 1200 дан зиёд хонадон аҳолига топширилди, — дейди Зарафшон шаҳар ҳокими ўринбосари Хуршид Орипов. — “Саноатчилар” шаҳарчаси ва янги кичик туманларда ҳам 150 га яқин янги хонадон қурилмоқда. Кўп қаватли уйлар олдида замонавий болалар ва спорт майдончалари барпо этилмоқда. Аввал шахримизда битта меҳмонхона бўлган бўлса, ҳозир улар сони 10 га яқинлашди. Йўллар янада раван бўлиб, аҳоли фаровонлиги учун барча шароит яратилиб, шаҳарда инфратузилма буткул ўзгармоқда.

Сир эмас, Зарафшон шаҳрининг аксарият аҳолиси Навоий кон-металлургия комбинати тизимидаги заводларда меҳнат қилади. Шунинг учун ҳам бу ерда тоғ-кон саноатида йirik мактаб шаклланди. Ер ости бойлиқларини ўрганиш, уларни қазиб олиш ва оқилана фойдаланиш, табиий ресурслар захирасини асраш, заводлардаги техникаларни модернизация қилиш ишлари янги босқичга кўтарилган.

Зарафшон шаҳри қулай инвестицион имкониятларга ҳам эга ҳудуд ҳисобланади. Йил бошидан буён шаҳарда 27,5 миллион АҚШ доллари миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Йил якунига қадар бу кўрсаткич 100 миллион долларга оширилиши кўзда тутилган. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилда 450 миллиард сўмлик лойиҳаларни шакллантириш белгиланган бўлса, шу йилнинг олти ойида

Сифатли тиббий хизмат аҳоли саноатининг таъминлашининг муҳим шарти. Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмасида сўнгги йиллардаги ўзгаришларни бу ердаги замонавий тиббий жиҳозлар орқали ҳам кўриш мумкин. Яқин йилларга ҳаддиди касаллик билан оғриган беморлар виллоят марказидаги шифохоналарда стационар шароитда муолажа олган бўлса, ҳозирда шаҳарнинг ўзида сифатли тиббий хизматдан фойдаланмоқда.

“**Юқоридаги манзаралар Зарафшон шаҳридаги ислохотлардан бир томчи, ҳоло. Янгиланишлар кўлами кенг. Албатта, барчаси инсон учун. Аиниқса, олис чўл ҳудуди жаҳоҳири бўлган шаҳар аҳолиси ушбу янгиланишлардан манмун. Шунинг учун ҳам ишдан ҳориб-чарчаб эмас, тетик кайфиятда қайтган одамлар шинам уйларда оиласи бағрида, фарзандлари қувончидан рухий қувват олиб, юрт равнақиға улуш қўшиб, шукроналик ҳисси, эртанги кунга ишонч билан яшамоқда.**



дастур доирасида қиймати 451,8 миллиард сўмлик 4 та лойиҳа шакллантирилди, ишга туширилди.

Шунингдек, жорий йилнинг яна бир катта янгиллиги лойиҳа гуруҳлари томонидан қиймати 157,5 миллион долларлик 28 та янги истиқболли инвестиция лойиҳалари шакллантирилди. Жумладан, мавжуд маҳаллий ва хорижий инвестициялар эвазига қуриб ишга туширилган “Зарафшон ойна” МЧЖ томонидан 200 нафарга яқин аҳоли иш билан таъминланиб, йилига 250 миллиард сўмлик шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Тиббиёт бирлашмамиз 2010 йилда ташкил этилган бўлиб, фақат поликлиникага эга эди. 2020 йилда турли касалликлар бўйича бўлимлар фаолияти йўлга қўйилди ва кўплаб замонавий тиббий ускуна билан жиҳозланди. Албатта, шаҳар аҳолиси жуда манмун. Чунки энди виллоят маркази ёки пойтахтга бормасдан, турли тиббий кўриклар ва ҳатто айрим мураккаб жарроҳлик амалиётлари малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда шу ернинг ўзида амалга оширилмоқда, — дейди Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Бобораҳим Тошбоев.

Йилига ўртача 2000 га яқин туғилиш қайд этилаётган Зарафшон шаҳар туманлараро перинатал маркази туғуруқ комплекси 35 ўридан иборат бўлиб, 4 та бўлим фаолияти йўлга қўйилган. Чақалоқлар паталогияси бўлимига олиб келинган замонавий аппаратлар эрта туғилган чақалоқларни соғломлаштириш, уларнинг ҳаётини сақлаб қолишда катта имкониятга эга. Мазкур перинатал маркази Зарафшон шаҳридан ташқари Учқудук, Томди туманлари аҳолисига ҳам хизмат кўрсатади.

Шаҳарда таълим тизимидаги ислохотлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Тобора кўпайиб бораётган ИТ ўқув марказлари ўқувчилар билан гавжум. Шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфида ҳозирги кунда 13 та умумий ўрта таълим мактаби, 1 та Баркамол авлод болалар мактаби, 20 та давлат, 3 та давлат-хусусий шериклик асосида, 15 та оилавий мактабгача таълим ташкилоти мавжуд. Жорий йилда мактаб таълимини ривожлантириш, ўқувчи ва ўқи-тувчиларга зарур шарт-шароит яратиш мақсадида инвестиция ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари асосида 8 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, 1500 дан зиёд ўқувчининг билим олиши учун замонавий шароит яратилди. 2023-2024 ўқув йилида шаҳар бўйича 1-синфга 2 мингдан зиёд ўқувчи қабул қилинди. Эътиборлиси, утган йиллар давомида маҳаллий бюджетдан ажратилган 191 миллион сўм маблағ эвазига шаҳардаги барча мактаб кутубхоналарининг китоб фонди бойитилди.

Шунга яраша таълим соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳам салмоқли. 2022-2023 ўқув йили давомида

Мактабгача ва мактаб таълими ва зирлиги ҳузурдаги Инновация, технология ва стратегия марказининг “Замонавий мактаб” рейтингиде 3-умумий ўрта таълим мактаби виллоятда 4 та ихтисослаштирилган мактаблар ўртасида 1-ўринни, умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида 4-умумтаълим мактаби 1-ўринни, 2-умумтаълим мактаби 4-ўринни эгаллади. 9-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Азиза Иброҳимова 10-14 ёш тоифасида ўтказилган “Ёш китобхон” Республика танловиде биринчи ўринни эгаллаб, Президент совғаси — “Спарк” автомобили билан тақдирланди. 10-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Мирфайиз Хусенов “Мирзо Улўғбек ворислари” кўрик-танловининг Республика босқичида биринчи ўринни олиб, мuddатидан олдин иккита нуфусли университет талабаси бўлди.

Янги ўқув йили олдидан замонавий тарзда бунёд этилган Зарафшон шаҳар ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчилар учун яна бир катта тухфа бўлди.

Бугун ҳудудда болаларни боғчага қамраб олиш кўрсаткичи 100 фоиздан ошган.

Юқоридаги манзаралар Зарафшон шаҳридаги ислохотлардан бир томчи, ҳоло. Янгиланишлар кўлами кенг. Албатта, барчаси инсон учун. Аиниқса, олис чўл ҳудуди жаҳоҳири бўлган шаҳар аҳолиси ушбу янгиланишлардан манмун. Шунинг учун ҳам ишдан ҳориб-чарчаб эмас, тетик кайфиятда қайтган одамлар шинам уйларда оиласи бағрида, фарзандлари қувончидан рухий қувват олиб, юрт равнақиға улуш қўшиб, шукроналик ҳисси, эртанги кунга ишонч билан яшамоқда.

ЖАМИЯТГА ЙЎЛ

ИШТИЁҚ, ҲАРАКАТ ВА ИМКОНИЯТДАН ЯРАЛГАН ТАДБИРКОРЛИК

ЁХУД КАМБАҒАЛ БИР ОИЛАНING ҲАЁТИ
ҚАНДАЙ ЎЗГАРГАНИ ҲАҚИДА

**Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Интилганга толе ёр, дейишади. Яқинда тўй сабаб қишлоқдаги қариндошимизни кенга борадиган бўлдим. Охири марта меҳмон бўлганимизда Дилшод аканинг моддий аҳоли ўртамиёна эди. Ҳозир эса уй-жойини яхшигина таъмирлаб, керакли шароитларни яратиб олибди.

Қариндошимиз кенжа ўғлини уйлантирди. Тўғри, у ортиқча исрофгарчиликни унча ҳушланидиган одам, лекин дастурхон тўқинлиги назаримизда анча ошибди. Тагин уйлاديم: дабдабали тўй қилиш ўзбекнинг қон-қонига сингиб кетган экан-да.

Қишлоқларда шундай одат бор: тўймаърақасига узокдан келган меҳмонларни яна алоҳида меҳмон қилишни хуш кўради. Биз ҳам шу одат иштирокчиси бўлдим.

Эртасига нонуштадан сўнг хонадон эгаси тадбиркорликни қандай йўлга қўйганини кўрсатиш учун дастлаб чорваси томон бошлади. Тўрт томони девор билан ўралган, чамаси ярим гектар келадиган жойда 10 бош буқа боқилаётган экан. Ҳар бирининг сўхтаси филдек келади. “Бузоқча пайтида сотиб олганман, уни боқиб сирини билсангиз бас, соат сайин семриб, вазни ортаверади”, дейди қариндошимиз.

— Буларнинг шу туришдаги нархи қанча энди? — қизиқдим.

— Ҳар қалай арзон эмас, лекин ҳозирча сотмайман. Яна бир-икки ой сақлаймиз.

Оғилхонани шундай қуришганки, 10 бош катта буқани бир киши бемалол парваршиш қила олади. Ҳар бирининг олдига сув, емиш сақланадиган катта

идиш ўрнатилган, тугмачани боссангиз бўлди, охурга белгиланган миқдордаги сув ва емишнинг ўзи тушади. Демак, замонавий технологиялар аллақачон чорвачиликка ҳам кириб келибди-да.

Оғилхондан сал нарида 2 қаватли бино жойлашган. “Бу оилавий тадбиркорлигимизнинг асосий даромад манбаи — тикувчилик чеҳи. Ҳозир кўрган оғилхонаю буқалар ҳам мана шу чеҳнинг фойдасидан”, изоҳ беради Дилшод ака.

Узунлиги 20 метрча келадиган, таъмирланган 2 та катта хонага 10 та тикув машинаси ўрнатилган. Тўхтовсиз ишлашаётганидан ҳам буюртма кўплигини англаша бўлади.

— Биласизлар, топгани у ойдан бу ойга зўрга етадиган рўзгор эдик. Бир куни армияда бирга хизмат ўтаган фарғоналик ўртоғимизнига бордик. У анча бадавлат, эл ичида обрўли одамга айланибди. Айтишича, бугунги кунда тикувчилик корхонаси бўлиб, асосан, чет эл билан ишлар экан. Ишчилари ҳам бегона эмас, ҳамқишлоқлари, қўни-қўшини. Хуллас, шундай ишни йўлга қўйганига ҳавас қилиб келдим, — дейди мезбон.

Дилшод Дониёров шу тўй баҳона бўлади-ю, бир дунё мақсад билан уйига қайтади. Йўл бўйи уйлаб келибди:

“Унда бор имкониятнинг қайси менда йўқ?”

Жой бор, маҳалласининг ўзида ишимиз юрган қанча хотин-қиз бор, вақт бор. Ҳозирча йўқ нарсаи — маблағ. Буёғига таваққал қилибди.

**ИШОНЧНИ СУИСТЕЪМОЛ
ҚИЛМАСАНГИЗ,
БАРАКА АРИМАС ЭКАН**

— Оилам, яқинларим билан маслаҳатлашдим. Улар ҳам маъқулади. Дастлаб кредит олиш учун ҳокимиятга ва банкка мурожаат қилдик, улар бу лойиҳани қўллаб-қувватлади.

Бир қариндошимиз маиший хизмат

кўрсатиш учун қишлоқ марказида мана шу биноларни қурган, лекин ҳозирча бирор ишни йўлга қўя олмаётган эди. У билан шерикликда иш бошлашга келишиб олдик.

100 миллион сўмдан ортиқроқ кредит ажратишди. Тошкентга бориб, қишлоқимизнинг ўзида 10 га яқин чевар бор экан, ҳаммасини ишга олдик. 15 йилдан буён шу касб билан шуғулланиб келаётган қариндошимиз уларга раҳбарлик қиладиган бўлди.

Тадбиркорликни янгидан бошлаган ҳар бир инсон учун бошида энг катта муаммо — миждоз топиш. Ишлаб чиқарувчилар кўп, танловни эса одамларнинг ўзи ҳал қилади.



Нима учун айнан сизнинг маҳсулотингизни танлаши керак? Уларнинг ишончини қозонишим учун нима-лар қилишим керак?

Менинг фикру хаёлимни шу саволлар банд қилиб қўйди. Тажриба кам, маблағ ҳам узига яраша. Очиғи, буёғи яхши давом этмаса керак, деб чўчидим. Лекин бу ҳам бир боқиб экан. Бундай ҳолатда тўхтаб қолмасангиз, керакли тадбирни топа олсангизгина, тадбиркорликка ишончли қадам қўйган бўласиз.

Минг хил хаёлда юрган пайтларим. Август ойи, одамлар болаларига мактаб формаси олиб бериш учун бозорга катнай бошлади. Шу жараён сабаб менда ғоя пайдо бўлди: “Ўқувчилар учун мактаб формаси тиками?”

Шу куннинг ўзидаёқ бозорга жўнадим. 3-4 хил мактаб формасини андоза учун олиб келиб, чеварларимиз билан қандай мато ишлатган маъқулу қандай услубда тикиш самарали — ҳаммасини муҳокама қилдик. Айнан биздан сотиб олишга эса сабаб бор — бозор нархидан камда 30 фоиз арзон.

Ҳисоблаб кўрсак, ён-атрофдаги 3 та мактаб ўқувчилари жами мингдан ошар экан. Шуларга камиде 300-400 та форма сотсак ҳам ишимиз анча жонланиб қолади. Шу тариқа маҳсулотларимизни қишлоқ бўйлаб реклама қилишга киришдик.

Ишонасизми, мактаб бошлангунча салкам 400 та мактаб формаси тикиб сотибмиз. Маҳсулотни меҳр билан, сифатли тайёрласангиз, одамларнинг ўзи сизни танитиб қўяркан. Ўқувчилардаги форманинг сифати ва нарҳини кўргач, бошқалардан ҳам буюртма туша бошлади.

Фойда анча яхши бўлди. Лекин мактаб формаси мавсуми йилда бир ой давом этади. Демак, қолган ойлари учун ҳам буюртмалар керак. Уни қимдан оламиз?

Охири бир фикр туғилди. Тошкент шаҳрида ва виллоят бозорларида тўқимачилик маҳсулотлари сотадиган таниш-билишларнинг телефон рақамини йиғдим. Ҳаммаси билан боғланиб, янги ишни йўлга қўйганимни, ишларимиздан баъзи намуналар юборишимни, агар бозори чакқон бўлса, ҳамкорликни давом эттиришимизни айтдим.

Рози бўлишди. Барчасига маҳсулотларимиздан намуна юбордик.

Орадан вақт ўтиб, уларнинг тўртдан бир қисми биз билан ҳамкорлик қиладиган бўлди. Бу катта натижа эди. Ана энди ишимиз маромига тушгандек бўлди. Енг шимариб, мавсумий кийим-кечак тикишга, уларни бозорларга юборишга киришдик.

Қурилган фойдадан, биринчи навбатда, давлатдан олган кредитни ёпдик. Сўнг яна бир нечта замонавий тикув машинаси харид қилиб, ишлаб чиқариш имкониятларимизни баҳоли қудрат оширдик.

Сифатни, ишончини суиистеъмоЛ қилмасангиз, барака ҳам аримас экан. Шунинг учун бунга доим эътибор қаратамиз. Келажакда режалар катта. Тажриба ортиб боргани сари биз ҳам хориждан харидорлар топиш, фаолиятимизни қисман экспортга йўналтириш ниятидамиз.

Икки-уч ой илгари ўша мен ҳавас қилган хизматдошим — водийлик дўстимиз меҳмонга келди. Унга ҳавас қилиб шу ишни бошлаганимга роса хурсанд бўлди. Тажрибаси билан бўлишди.

Биз бу воқеани, бир кишининг ўзгарган ҳаётини нима учун эсладик? Гап шундаки, кейинги йилларда ҳар бир оиладан жамиятга катта йўл очилмоқда.

Шу ўринда яна савол туғилиши табиий: оиладан жамиятга очилган йўл бизга нима беради? Биринчидан, юрт-дўстларимизда ҳаётдан розилик ҳиссини юзага келтиради. Иккинчидан, дахлдорлик кайфиятини кучайтириб, ўзгаришларга ҳисса қўшиб иштиёқини оширади. Учунчидан, янги ғоя ва мақсадлар пайдо бўлиб, миллий тараққиёт сари ҳаётбахш лойиҳаларни татбиқ этиш имконини беради. Тўртинчидан, энг муҳими, жамиятда аҳиллик, ҳамжиҳатлик муҳитини яратади.

Демак, бу ўзгаришларнинг ҳар бири умумлашиб, жамиятимизнинг янги қиёфасини ҳосил қилади. Шу боис, оддий оилаларнинг ўзгараётган ҳаёти, камбағалликдан чиқарган ҳар бир юртдошимизнинг кичик бир қувончи ҳам барчамиз учун катта натижадир.

1 ОКТАБРЬ — Ўқитувчи ва Мураббийлар кун

Бугунги ўзбек аёли аввалгилардан кескин фарқ қилади. Қахрамонимизнинг фикрича, ҳозирги аёллардан нафақат оилада бекалик вазифаси, шунингдек, ишхонада яхши ходима, яхши она ва яхши аёл бўлиш талаб этилади. Қахрамонимиз турмушда ва ҳаётда шунга интилиб, ўз вазифаларини тўла уддалаб келаётган аёллардан.

Бошланиши 1-бетда

Болаларнинг тўнғичи бўлгани боис, уларни тозалаш, нон ёпиш, сигир соғишдан ташқари мол-қўйга қараш, уларга ўт ўриб, ем тайёрлаш каби ишлар ҳам унинг зиммасида эди. Шу маънода, тугун-туғун ўтларни елкаси-га ортиб, баъзан велосипедда ташиган ёш қиз дадасининг ҳам "оёқ-қўли" бўлган. Велосипед ҳайдашни билишни уйдагиларга қўл келиб, қаёққа дейишса, физиллаб чопаверарди. Ер чопиш, экин экиш, парвариш қилиш Хуршида учун оддий машғулот саналган. Ҳозир ҳам юмушларни сеники-меники демай бажариб кетавериши шундан бўлса керак.

— Одатда кечқурун дарс қилардик. Дадам жуда қаттиққўл эди. Балки шу-



СЕВГАНИ — БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

ШУ БИЛАН МАЗМУНЛИ УМРИ, ҲАЁТИ

нафақат оилада бекалик вазифаси, шунингдек, ишхонада яхши ходима, яхши она ва яхши аёл бўлиш талаб этилади. Шу оқали рўзгорнинг бир томонини кўтарди. Олима Муҳаббат Умирова билан ҳаммуаллифликда 3-синфлар учун тайёрлаган "Ўқиш китоби" 10 йил (2012-2022 йиллар) давомида амалда бўлди. Болалар адабиётини кузатиб, ютуқ ва камчиликларни, тарғибот ва ташвиқотдаги оқоқликларини таҳлил қилиб борар экан, қалбида ҳозирги болалар адабиётини кенг тарғиб қилиш керак, деган фикр туғилди. Шунинг натижаси ўлароқ, 2021-2023 йилларга мўлжалланган "Олима аёллар" грантида қатнашиши истаги туғилиб, "Bolalaradabiyoti.uz" мультимедиа электрон платформаси ва унинг мобиль иловасини яратиш лойиҳаси билан иштирок этди ва бу лойиҳа Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан молиялаштирилди.

2000 йилда унинг ҳаётида туб бурилиш бўлди. Уша йиллари УзМУ аспирантурасига қабул қилиниб, устози Умарали Норматов раҳбарлигида "Абдулла Қаҳҳорнинг "Сароб" романида шахс фожиаси талқини" мавзусида номзодлик, кейинчалик "XX аср ўзбек насаида ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқини" йўналишида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳаёт қозонида қайнаган Хуршида илм йўлида нималардандир воз кечди, нималарнидир топди. Қисқаси, обдан товланди. Уч фарзанди бор. Онасининг отаси Бүрибой ака мактабда она тили ва адабиёт фанидан 40 йил дарс берган ва ижод билан шугулланган.

Бобомнинг шеърӣ машқларини онам сақлаб қўйган. Адабиётга қизиқишим бобомдан ўтган бўлса керак. Ёшлигимда жуда кўп китоб ўқиганман, — дейди олима.

Бугунги ўзбек аёли аввалгилардан кескин фарқ қилади. Қахрамонимизнинг фикрича, ҳозирги аёллардан

адабиётӣ) каналига жойлаштирилди. Кейинроқ болалар адабиётӣ тадқиқотчиларининг таржимаи ҳоли овозли шаклда каналга жойлаштирилди. Бундан ташқари, болалар ижодкорлари ҳақидаги курсатувлар, улар иштирок этган тадбирлардан лавҳалар, болалар ижодкорлари шеърларига басталанган куй-қўшиқлар ҳам каналимиздан жой олди. Буларнинг ҳаммаси "bolalaradabiyoti.uz" мультимедиа электрон платформаси ва унинг мобиль иловасини яратишда қўл келди. Айни дамда кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган платформа ва мобиль илова ишлаб турибди.

Уларда янгиликлар, аудиокинолар, видеоматериаллар, мақолалар саҳифалари доимий равишда қўриб борилади. Янгиликлар бўлимида 30 га яқин китоб бўлиб, улар янгидан тартибланган эртақлар, мавзулар кесимида болалар ижодкорлари асарларидан тўпланган бадиий асарлар, бошланғич таълим ўқувчилари ва мутахассислар учун тузилган бир неча турдаги изоҳли лугатлардан иборат.



Умид ХЎЖАМҚУЛОВ, педагогика фанлари доктори

Ўқитувчилик — шарафли касб. Унинг шарафли шундаки, жамиятни ҳаракатлантириб туривчи барча соҳа ривожига муаллимларнинг заҳматли меҳнати ётади. Бундай кўламли эътироф шу пайтга қадар бошқа бирор касбга насиб қилмаган. Бундан кейин ҳам насиб қилиши даргумон. Чунки дунёда фақат битта касб бор — ўқитувчилик. Қолган барча касблар унинг ҳосиласидир.

Муаллимлик — нозик касб. Нозиклиги шундаки, бу касб эгаларига одамлар доимо намуна тимсоли сифатида қарайди. Устоз хатто уйкуси билан ҳам бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Онг остида ўқитувчи эканини эслатиб туривчи тушуни доим рисоладагидек юришга мажбур қилади. Ҳар бир иш ёки хатти-ҳаракатга нисбатан



QR-код билан овозлаштирилган ҳолда, болаларнинг ёши ва тафаккури, қизиқишлари доирасида беришининг ўзи бўлмайди. Бу ишларингизга турмуш ўртоғингиз қандай қаради? — деган саволимизга сўхбатдошимиз бундай жавоб берди:

— Аввало, турмуш ўртоқдан ёлчиганман. Мени чин дилдан қўллаб, керак бўлса, ёрдамини аямади. Инсон қачонки қилган ишидан завқ топса, чарчаш нималигини билмайди. Барча ишларимни завқ билан бажардим, бутун борлигим билан ҳаракат қилдим. Кимларнингдир мушқулмини осон этган, болалар адабиётӣ ривожига хизмат қилган бўлсам, шунинг ўзи менга олам-олам қувонч бағишлайди.

Бу борада қахрамонимиз хулосаларидан орттириб сўз айтишга оғизимиз.

Равшан ИСОҚОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ВИЖДОН ТАРОЗИСИ

Ўқитувчи орияти хусусида баъзи мулоҳазалар

ларнинг биттасига тўхталмоқчимиз. У ҳам бўлса, ўқитувчининг орияти масаласидир. Бу баъзилар ўйлаганчалик ўта жун ҳодиса эмас, унинг ортида ўқитувчилик касбининг ҳурмати ва эътирофи, дарснинг сифати билан боғлиқ жиддий масала турибди.

Орият — инсоннинг нуқулай вазиятга тушишга қаршилик ҳиссиёти. Ўзига нисбатан ноҳақ айбловга қарши ички исёни. Ўзи ва ўзлугига таҳдид солувчи ҳодисаларга қарши қўзғатувчи ҳамда кишини топталишлардан асровчи куч.

Жамиятда ўрнак ва намуна тимсоли бўлган ўқитувчилик касбиде орият ўта

йўқолишига олиб келувчи ташқи сабаблар эса ўша инсоннинг қайсидир жабҳадда оғизлиги сабаб юзага келади. Шу маънода, ўқитувчи ориятининг йўқолишига унинг билимсизлиги (бундай ўқитувчилар умумтаълим ва урта махсус, касб-хунар таълими тизимида кўпроқ) ёки тамағирлиги (олий таълим тизимида кўпроқ) сабаб бўлади. Билимсизлик ва тамағирлик қонун йўли билан таъқиб қилинади. Тамағирлик тушунарли, аммо билимсизлик ҳам таъқиб қилинади, дейишигиз мумкин. Албатта, ўқитувчининг билими давлат томонидан назоратга олинган.

Педагогик — машаққатли касб. Машаққати шундаки, бошқа касб эгаларининг иши ишхонасида қолади. Уйига қайтгач, оиласи даврасида мириқиб хордиқ чиқаради. Ўқитувчиларни эса касби доим ортидан "қувлаб юради". Улар уйларида қайтгач, ишининг иккинчи қисми бошланади. Эртанги дарсга тайёргарлик кўриш учун янги адабиётларни варақлайди. Машғулотни янгича методлар асосида самарали ташкил қилиш режасини тузади. Ўқувчиларнинг дафтари ёки ёзма ишларини текширади. Ҳеч бўлмаса, конспект ёзади.

зарур. Нафақат ўқитувчилар, балки барча учун ушбу тушунчанинг қадр-қиммати доим баланд бўлиб келган. Муаллимликка юқоридеги ёндашув билан қараганимизда, бу тушунчанинг аҳамияти яна бир неча қарра ортиди. Ориятини сақлаб олмаган педагог мисқоллаб топан ҳурматини ботмонлаб йўқотади. Умуман, инсонлар учун ҳурмат ва обрў топишда ўшш тезлиги арифметик прогрессиядан бир неча қарра сустр. Уни йўқотишда эса пасайиш тезлиги геометрик прогрессиядан бир неча қарра шиддатли кечади.

Ориятсиз ўқитувчилар орамизда кам дейиш ҳам, кўп дейиш ҳам нотўғри. Ҳар ҳолда шу иккаласининг ўртасида, десак ҳақиқатга яқин бўлади. Бундай ўқитувчиларни кўрган ёш ўқувчиларнинг дастлаб ўқитувчилик касби борасидаги шакланган тушунчалари чалқайиб кетади. Чунки асарият оилаларда ўқитувчига нисбатан ҳурмат руҳида тарбия берилади. Шунинг учун ўқувчилар бундай ўқитувчиларни бошида тушуна олмайди. Ўқувчиларнинг бундай ўқитувчиларни тушуниши эса ўша ўқитувчининг ҳурмати ва обрўси чилларчин бўлиши билан яқун топади. Ҳурматини йўқотган ўқитувчининг дарс машғулотиде айбатдорлик ва ташаббус энди ўқувчилар қўлига ўтиб кетади. Улар ҳурматини йўқотган ўқитувчининг дарсига ҳам, унинг дарс мавзуси борасидаги фикрларига ҳам ҳурмат билан муносабатда бўла олмайди. Бунинг оқибати эса "икки қарра икки"дек авт.

Ўқитувчининг орияти аслида нима ва у қаерда бўй кўрсатади?

Бу туйғу даставвал ўқитувчининг ўзи-га, қолаверса, касбига, дарсига ва фикрларига нисбатан ҳурматсизлик кўрсатилганда, билимга нисбатан шубҳа билан қаралганда юзага чиқади. Шу ўринда бир мулоҳаза: кейинги пайтларда "интерфаол методлар"га ружу қўйиб, ўқувчининг дарс машғулотидеги фаоллигига қарагидан ортиқ берилиб кетдик, назаримда. Дарс машғулотиде ўқувчининг фаоллиги яхши, аммо бундан ўқитувчининг ҳурмати, дарс машғулотининг сифати зиён кўрмаслиги керак. Кейинги пайтларда "Анъанавий таълимда дарс машғулотиде ўқитувчининг фаоллиги ва етакчилигида ўтгани сабабли машғулотнинг самарадорлиги етарли даражада таъминланмаган", деган мазмундаги фикрлар тез-тез қулоққа чалинади. Унга нисбатан чоралар қўради. Бу эса ўқувчиларга қўпичча ёқмайди, албатта. Аммо ўқитувчининг айна хатти-ҳаракатини ўқувчининг "ташқи мени" тан олмаса-да (чунки унинг ҳам орияти бор), "ички мени" тан олади, маъқуллайди. Бундай ўқитувчиларга нисбатан ҳурмат ўқувчининг онг остида шаклланади.

Орият аслида барча инсонларга хос феалият. Аммо баъзиларда ташқи сабабларга қўра бу туйғу йўқола боради ёки бош кўтаришга оғиз бўлиб қолади. Орият

Аттестация комиссияси билимсиз деб топан ўқитувчига нисбатан хатто ўқитувчилик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича қарор қабул қилиш мумкин. Бу икки қусур, халқ тили билан айтганда, ўқитувчининг тилини қисқ қилиб қўяди, натижада унинг орияти оғизлашиб бораверади. Бундай қусурларга эга ўқитувчилар ўқувчиларга ўта эҳтиёткорона муносабатда бўлади, чунки ўқувчиларни тартибга қачирishi ёки уларга танбех бериши билан боғлиқ ўқувчи учун ёқимсиз ишлар ўқитувчидаги қусур ва камчиликлар улар томонидан ошқора айтиб юборилишига сабаб бўлиши мумкин. Билимсиз ва тамағир ўқитувчилар ўқувчиларнинг ўзига, қолаверса, касбига, дарсига ва фикрларига нисбатан ҳурматсизлик қилаётганини, билимга нисбатан шубҳа билан қараётганини гўёки "қурмайдиган" бўлиб қолади. Ошқора ҳурматсизлик уларнинг ориятини қийнаса-да, бунга қарши улар ҳам ошқора муносабат билдирishi жараҳат қилолмайди. Бора-бора ўқувчининг ҳурматсизлигига қўнчиқ қолган ўқитувчининг энди орият безовта қилмай қўяди. Бу эса ундаги "ўқитувчилик орияти" туйғуси ўлганини билдирлади. Методиқасида ёки муомаласида камчилиги бор ўқитувчининг тушуниш мумкинлиги, аммо билимсиз ўқитувчининг тушуниш ҳам, кечириб бўлмайди. Дарс машғулотиде фаоллик ва ташаббус учун ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида кўзга қўринмайдиган пинҳона қураш мавжуд. Буни мен табиий тушунаман.

Бу қурашда муқаррар ғалаба аслида ўқитувчи тарафда бўлади. Аммо билимсизлик уни ўқувчиларга "туҳфа" қилиб юборади. Дарс машғулотининг самарали бўлиши учун фаоллик ва ташаббус доим ўқитувчи тарафиде бўлиши шарт. Чунки таълим берувчидаги билим ва билим олишининг усул ва йўллари унинг фаоллиги билан таълим олувчига ўтади. Бу чойнакдаги чойнинг пиёлага қўйилиши қабиридир. Пиёлага чойнакнинг ҳаракати билан чой қўйилади ва бу жараёнда иккаласини ҳам фаоллаштириш ёки пиёланинг фаоллигини ошириш қутилган самаран бермайди. Биз бу билан дарс машғулотиде ўқувчи фаол бўлмаслиги керак, демокчи эмасми, аммо ўқувчининг фаоллиги мақсад сари қаратилган, лозим даражада бўлиши ва ўқитувчининг фаоллигига халал бермаслиги керак. Ўқувчилар фаоллигининг чегарадан қиқшири дарс машғулотининг шовқинли ўтишига, ўқитувчининг машғулот мақсадида чекинишига сабабчи бўлади. Зеро, дарс машғулотининг вақти чегараланган бўлиб, унинг ҳар бир дақиқаси мақсади ва оқилона сарфланиши лозим.

Ўқитувчи учун орият масаласининг жун ҳодиса эмаслиги аслида мана шуларда қўрилади. Бу дунё мўвозанат асосига қўрилган. Уз устида ишлаш ва нафсининг жиловланиши иродани енгишни, меҳнат ва машаққатни иродани қилади, оқибатда ҳурмат ва эътироф билан сиқланади. Билимсизлик ва нафса берилиш эса иродани қийнамайди, меҳнат ва машаққатни талаб қилмайди, аммо у ҳурматининг йўқолиши ҳамда ориятсизлик билан жазоланади. Мавзу борасида бизнинг фикрларимиз шу жойда бошқадиги етди. Бу ёғига нафсонинг жиловланиши, меҳнат ортидан топан ҳурмат ва эътироф билан кам меҳнат қилиб, нафсага эрк бериш оқибатида топан "роҳат-фароғат"нинг вазини ўлчайдиган виждон тарозиси қайирсин...





ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

ТИЛГА ЯРАШИҚЛИ ЁЗУВ МУҲИМ МАСАЛАДИР

Давлатимиз раҳбари жорий йил Тошкент шаҳар сайловчилари билан учрашувда алифбо масаласига тўхталиб, зиёлиларимиз, кенг жамоатчилик билан бамаслаҳат лотин ёзувиге асосланган алифбозимни такомиллаштириш бўйича ишларни яқунига етказиш зарурлигини таъкидлаган эди.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!



Ушбу вазифани бажариш мақсадида Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети олимлари томонидан шу вақтгача тўпланган тажриба, олимлар, зиёлилар ва кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазалари, соҳа мутахассисларининг илмий хулосалари, таклифларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбозимни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбозимни такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика илмий-назарий конференциясида айна таклифлар муҳокама қилинди.

— Давлат тилини ривожлантириш, алифбозимни такомиллаштириш борасида ҳал қилинадиган масалалар кўп. Қилинган ишлар уларнинг бир қисми ҳолос, — деди Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти раҳбари Нодир

Холбўтаев. — Айниқса, бугун янги бир тараққиёт даври, сунъий интеллект, электрон платформалар билан ишларда бу борадаги муаммоларга аниқ ечим топиш керак бўляпти. Бугунги конференция ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилди.

Илмий-назарий конференцияда сўзга чиққан Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори Нозимиддин Маҳмудов, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шухрат Сирожиiddинов ушбу конференция кун тартибига бугунги кунда долзарб бўлиб турган масала киритилганини, алифбозимда айрим камчиликларни бартараф этиш зарурлиги ҳақида жамоатчилик томонидан кўп қабил фикрлар илгари суриб келинаётганини таъкидлади. Шунингдек, мазкур алифбонинг аҳамияти, уни такомиллаштириш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар, илмий-ҳуқуқий йўналишларда амалга оширилиши талаб этиладиган

чора-тадбирлар ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.

— Утган йилларда лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбозимини мақбул ва номақбул жиҳатлари кўринди. Зеро, тилга ярашиқли ёзув бўлиши энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Уйлаимизки, бугунги тадбирда шу масалалар юзасидан бир қарорга келинади. — деди Нозимиддин Маҳмудов.


Конференция давомида лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбозимни лойиҳаси тақдими бўлиб ўтди. Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти бўлим mudiri Ёркинож Одилов янги ўзбек алифбозим бўйича таклиф этилаётган ўзгаришлар ҳақида маълумот берди.

Анжуманда лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбозимдаги камчиликларни бартараф этиш ва уни такомиллаштириш бўйича фикрлар, таклифлар илгари сурилди ва муҳокама қилинди. Хусусан, таклиф сифатида ишчи гуруҳ томонидан 28 та ҳарф, 1 та ҳарф бирикмаси ва тугук белгисидан иборат такомиллаштирилган алифбо лойиҳаси тақдим этилди.

Конференция яқунда билдирилган барча фикр-мулоҳаза ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда, лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбозимни такомиллаштириш бўйича таклифлар маълумланди.

Уйлаимизки, тилшуносларимиз айтганидек, мазкур муҳокамалардан сўнг ўз она тилимизга ярашиқли миллий алифбозим ҳалқимиз томонидан ҳам илқ қабул қилиниб, узок йиллар авлодларимизга хизмат қилади.

М.МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



АНЖУМАН

ХАЛҚАРО ТАДБИРЛАР ТАДОРИГИ

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 25 августда имзолаган “Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида” ги қарорга кўра, аллома ҳаёти ва фаолияти, унинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган улкан ҳиссасига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция ҳамда халқаро анжуман ўтказиш вазифалари белгиланган.

Қомусий олимнинг илмий меросини оммалаштириш, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш нафақат тарихий билимларни мустаҳкамлашга, балки ёш авлодга ҳаққоний ўтимишимизни аналтиш, жаҳон майдонида Ўзбекистоннинг ижобий имижини янада яхшилаш жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир.

Фанлар академияси Шарқшунослик институтида “Абу Райҳон Беруний илмий меросининг жаҳон фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини олдидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли

ташкilotлар билан ҳамкорликда жорий йилнинг 25-28 сентябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида юқорида айтилган илмий-амалий конференция ҳамда халқаро анжумани ўтказиш юзасидан муҳим чора-тадбирлар режалаштирилди.

Халқаро тадбирда Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Афғонистон, Хитой, Қозғистон, Россия каби давлатлардан хорижий меҳмонлар, таниқли олим ва зиёлилар, ёзувчи, шoirлар, санъат ва маданият соҳаси вакиллари, журналистлар иштирок этиши кўзда тутилган.

Матбуот анжуманида Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва илмий-маърифий фаолияти ҳамда унинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган улкан ҳиссасини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида, шунингдек, таълим ташкilotлари ва меҳнат жамоаларида кенг тарғиб қилиш юзасидан қатор тадбирларни ўтказиш режалаштирилгани маълум қилинди.

Алломининг илмий-маърифий меросини, унинг инсонпарварлик гояларини келажакимиз ворисларига таълимлаш, уларни буюк аждодларга муносиб тарбиялаш мақсадида “Маънавий баркамол авлод — барқарор жамият бунёдкори” мавзусида ўқувчи ёшлар билан давра суҳбатлари ташкиллаштирилди.

Тадбирда сўз олган Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов қомусий олимнинг “Китоб ас-сайдана фит-тиб” номли китоби тайёрланганини,

у бизгача етиб келган “Табобатда дори-шунослик” номли араб тилидаги сўнги асарининг ўзбек тилига тўлиқ илмий изоҳли таржимаси эканини таъкидлади. “Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари” номи билан тайёрланган рисола эса мутафаккирнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳамда ижтимоий-сиёсий қарашларини талқин этгани билан аҳамиятли бўлади.

Айтиш жоизки, буюк бобокалонимизнинг хотирасини улуғлаш, унинг номини абадийлаштириш, ёш авлод қалбига ватанпарварлик, миллатсеварлик туйғуларини ва илмга бўлган рағбатини янада ошириш бугун ҳар қачонгидан муҳимдир. Юқорида номи келтирилган қарор Абу Райҳон Берунийнинг илм йўлида эришган ютуқларини чуқур ўрганиш, кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш, шунингдек, жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилишига замин яратди. Энг муҳими, эртани эгаларида буюк аждодларимиз билан фахрланиш, улар каби илм-фанга интилиш ҳиссини янада кучайтиради.

Муножат РАҲИМЖОН ҚИЗИ,
журналист

ФЕСТИВАЛЬ ШУКУҲИ

Бугун кўҳна Кўқон ҳар қачонгидан-да гавжум, файзли. Бу ерда бўлиб ўтаётган II халқаро хунармандлик фестивалида 70 дан ортиқ хорижий давлат ва мамлакатимиз уста-хунармандлари ўз маҳсулотини иштирок этмоқда.

Халқаро тадбирнинг Кўқон шаҳрида ўтказилаётгани бежиз эмас. Чунки бу шаҳар қадим-қадимдан хунармандлик ривожланган маданий марказлардан бири бўлиб келган. Бу ерда хунармандлик ва халқ амалий санъатининг турли йўналишлари юксак даражада тараққий этган.

Иккинчи халқаро фестивалга иқтидорли хунармандлар ва истеъдодли ёшларни жалб қилиш мақсадида “Мен Кўқонга бораман” шiori остида икки босқичдан иборат кўргазма ва кўрик-танловлар ташкил этилди. Шаҳар ва туманлар кесимида ўтказилган биринчи

босқичда икки мингга яқин, иккинчи — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичида мингга яқин хунарманд саралаб олинди.

Кун тартибидан ўрин олган қатор қизқароли тадбирлар, маҳсулотлар кўргазмаси, кўрик-танлов ва маҳорат машғулотлари фестивалга ўзгача кўтаринкилик, улуғворлик бағишламоқда.

— Бу нуфузли фестивалда иштирокчиларнинг завқ-шавқи, яратувчанлик ҳислатларини кўриб, янада руҳландим, — дейди Тожикистоннинг Конибодом шаҳридан келган меҳмон Соҳибжон Содиков. — Кейинги йил-

ҲУНАР СЕҲРИ ЧОРЛАГАН ШАҲАР



Шероид Қорабоев олган суратлар.

ларда икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик, биродарлик, қудандачилик аънавалари янада мустаҳкамлангани мақсад ва қарашларимиз бирлигини кўрсатди. Фестиваль зўр уюшқоқлик, ҳамжиҳатликда ташкил этилган. Бу ердаги ҳар бир хунармандлик маҳсулотини бетакрор санъат асарига қиёслаш мумкин.

— Ўзбекистонга илк бор келишим, — дейди россиялик хунарманд Надежда Посевкина. — Юртингиздаги миллий хунармандлик аънаваларини ривожлантириш, хунармандларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар беҳад қувонтирди. Айниқса, кўҳна Риштонда уста қуллолар тайёрлаган сара

маҳсулотлар ўзига хос ранг-тасвирларга бойлиги билан эътиборимни тортди. Биз улар билан ҳамкорликда ишлаш, тажриба алмашиш, савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйиш учун бу ерга келдик. Ҳаммаси ажойиб, жуда гўзал. Бундай халқаро тадбирни ташкил қилган ташаббускорларга раҳмат. Ўзбек қуллочилиги мактаблари иш тажрибалари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдим. Қуллолар учун солиқ, кредит, маҳсулотлар экспорти билан боғлиқ қатор имтиёз ва имкониятлар яратиб берилгани таъсирчан сазовор. Фестивалда жуда кўп хунармандлар билан танишиб, тажриба алмашидик, ўзбек миллий ипак матола-

ридан тайёрланган либос ва совгабоп буюмлар харид қилдим.

— Фестиваль менда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди Янги Зеландиялик иштирокчи Лайло Вольтер. — Биринчи хунармандлик фестивалида ҳам иштирок этганман. Ўзбек миллий матолари гоат гўзал. Аввалги келганимда ўзим харид қилган матолардан турли либослар тайёрладим. Фестивалда Янги Зеландия хунармандчилигига хос бўлган маҳсулотларимиз билан иштирок этяпмиз.

— Ўн уч йилдан буён хунармандлик билан шуғулланаман, — дейди Навоий вилояти Учқуқ туманидан келган тадбиркор Зебинисо Шарипова. — Асосан, туя жундан даволочви хусусиятга эга бўлган пайпоқ, нимча, кўрпа сингари ўнга яқин турдаги маҳсулот тайёрлаймиз. 2019 йилдаги фестивалда иштирок



этиб, қозғистонлик ҳамкорлар билан маҳсулот сотиш борасида келишувларга эришгандик. Энди Россияга ҳам экспорт қилаймиз. Шу мақсадда уйда ўтирган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 25 нафар хотин-қизни касаначилик асосида иш билан таъминладик. Фестиваль жуда чиroyли ўтмоқда.

Фестиваль доирасида “Ўзбекистон хунармандчилиги” китоб-альбому тақдими, халқаро хунармандлик музейи очилди. Риштонда қуллолар форуми бўлиб ўтди.

Расулжон НАЗИРОВ,
журналист

GAZETAДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлхатлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириган ташкilot жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-946.
43555 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Улуғбек Асқоров
Мусаҳҳис: Рашид Ҳўжамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй